



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кеलाжаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 22 февраль, №45 (3157)

Шанба

МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Корақалпоғистон

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг йил якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Ўтган йилда Корақалпоғистон иқтисодиётида сифат ўзгаришларига эришиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 101,6 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқаришида бу кўрсаткич 54,1 миллиард сўм, қишлоқ хўжалигида 71,2 миллиард сўм бўлиб, икки муҳим тармоқда ҳам нодавлат секторнинг улуши кўпайди.

2002 йилда иқтисодиётга хориж сармояларини жалб қилиш борасида ҳам муайян натижаларга эришилди. 14 та янги қўшма корхона рўйхатдан ўтказилди. Биргина Эллиқалъа тумани корхоналари хорижга 1215000 АҚШ доллари, шу жумладан, «Юнивер» Ўзбекистон — Австрия — Банг-

ладеш қўшма корхонаси 839400 АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот сотди. Бирок жами рўйхатга олинган 39 қўшма корхонадан аксарияти хорижга маҳсулот сотмапти. Валюта тушумига ҳисса қўшмапти. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ўнглаш секин кечмоқда. Пахта ҳосилдорлиги атиги 11 центнерни ташкил этди, холос.

Мажлисда Корақалпоғистон Республикаси Жуғорчи Кенгаши раиси, Олий Мажлис Раиси ўринбосари М.Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б.Хужаев қатнашдилар.

Янгибой КҮЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Тошкент Давлат техника университетидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати, «Ўзбектелефильм» студияси ҳамкорлигида суратга олинган «Ерулик» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Фильмда, асосан, мустақил йилларида мамлакатимиз нефть ва газ соҳасида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар жараёни, нефть-газ саноатининг шаклланиш тарихи, тармоқдаги мавжуд муаммолар, сабоқлар

ҳамда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильмда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даври мобайнида нефть-газ саноатини ривожлантириш, техникавий жиҳозлаш ва қайта таъмирлаш, янги конларни ишга туширишга жиддий эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон янги минг йилликка нефть ва газ саноатида улкан салоҳиятга эга мамлакат сифатида қадам қўйди. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакатимизга ҳар йили ўртача 6 миллион тонна нефть маҳсулоти четдан ташиб келтирилган эди.

Нефть ва газ ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга қаратилган эътибор ўз самарасини берди: 1995 йилда 7,6 миллион тонна нефть ва газ конденсати қазиб олинди. Шу тариқа мамлакатимиз амалда нефть ва газ мустақиллигига эришди. Бу халқимизга хос бунёдкорлик ва яратувчилик фазилатларининг яна бир намойишидир.

Истиқлол йилларида қуриб фойдаланишга топширилган Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, нафақат Ўзбекистонда, балки МДХА ҳам ягона «Шуртангаз-ким» комплекси қувватларидан унум билан фойдаланилаётгани қўл келмоқда. Бугун ушбу корхоналарда минглаб ёшларимиз иш билан банд.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ушбу фильм мамлакатимиз нефть-газ саноатида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим манба бўлганини алоҳида таъкидлади.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Матбуотда янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун эълон қилинди. Мазкур Қонун иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган эди.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис сессиясида ушбу Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида конларни саноат йўли билан ўзлаштиришда қўшимча нодир металлларни мумкин қадар тўлиқ қазиб олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Нодир металллардан бугунги ва келгуси авлодлар фаровонлиги учун самарали фойдаланиш мақсадида уларни ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатли дастури зарур.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, нодир металлларни саноат йўли билан ўзлаштириш учун мамлакатимизда ўз базамизни ташкил этиш, бу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай шароитларни яратиш, табиий бойлиқлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини қайд этганди.

ЎзА мухбири Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиати муҳофазаси қилиш масалалари қўмитаси раиси Қудайбергөн ЖУМАБЕКОВ билан янги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида суҳбатлашди.

ЎзА мухбири.

— Янги таҳрирдаги ушбу Қонун мамлакатимиз ҳаётида муҳим иқтисодий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, бугунги кунда республикамизда барча соҳаларда ўтказилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда алоҳида ўрин тутайди. — дейди Қ.Жумабеков. — Шунингдек, табиий ресурсларни ҳимоя қилиш, табиий ресурсларни қайта ишлаш муҳим тармоқ. Бу тармоқнинг улуши ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг чорак қисmini ташкил этади.

Хозирда мамлакатимизда минерал хомашёнинг юз хил тури бўйича фойдаланиш қазилмаларнинг 2900 кони ва нишонлари аниқланган. Бу минерал хомашёларнинг олтиндан зиёд туридан халқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Айни кунларда бизда 530 тадан ортиқ кон, карьер, шахта, нефть ва газ конлари, минерал хомашёни қайта ишлаш заводлари, жумладан, Навоий ва Олмалик металлургия комбинатлари сингари йирик корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Олтин, уран, мис, табиий газ, фосфорит, каолиннинг аниқланган захиралари бўйича Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Бугунги кунда қазиб олиниши бошланган ушбу табиий ресурсларнинг захиралари 1 триллион АҚШ доллари ҳисобида баҳоланмоқда.

Ўзбекистоннинг умумий минерал хомашё салоҳияти эса 3,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётимиз, аввало, мамлакатимиз кончилик тармоғи сармоядорларини жалб қилдириш соҳа эканлиги яна бир бор таъкидланди.

— Қудайбергөн Ўзбекистон, янги таҳрирдаги мазкур Қонун яратилишига асосий сабаб нима? — Бундан аввалги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун 1994 йилнинг

23 сентябрида тасдиқланган ва 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб қўлдан кетган эди. Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг метёрий-ҳуқуқий негизиде талай ўзгаришлар қилинган, мулкчилик соҳасида мутлақо янги ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлгани туфайли фойдаланиш қазилма конларини самарали ўзлаштириш ва минерал хомашё базасини тақдор тиклаш учун қонунчилик негизини янада ривожлантириш зарурияти пайдо бўлди. Геология-қидирув ишларини давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, умуман олганда, мамлакатимиз минерал хомашё базасини ривожлантиришнинг таъминламоқда. Айни пайтда тажриба шундан далолат бермоқдаки, бу борда республикамизга сармоялар жалб қилишда ва ундан самарали фойдаланишда катта имкониятлар мавжуд.

Янги вақтларга чаман минерал хомашёнинг айрим турлари Ўзбекистонга четдан олиб келинар эди. Ишлаб чиқаришни маҳаллий ресурсларга асослантиришга қаратилган концепцияни амалга ошириш мамлакатимиз учун янги, ноанъанавий бўлган фойдаланиш қазилмаларни, масалан, техника ва озиқ-овқат мақсадларида фойдаланиладиган қўл тузиларини ишлаштиришга тайёрлаш ва бундай конларда қазиб ишларини ўтказишни рағбатлантиришмоқда.

Саноат аҳамиятидаги ер ости сувларининг таркибидеги йодли конларни ишга туширишга тобора кўпроқ қизиқиш кучайиб кетди. Бирок мазкур турдаги фойдаланиш қазилмалардан фойдаланиш ва конларни муҳофазаси қилиш 1994 йилда қабул қилинган қонунда тартибга солинмаган эди. Ер қазри участкаларидан фойдаланишнинг аниқ муддатлари белгиланмаган эди. Ҳолбуки, бу ер қазри участкаларини фойдаланиш қазилмаларини қазиб олиш учун беришда жуда муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).

Фарғона

Вилоят фаолларининг «2002 йилда вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳақида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги масала муҳокамасига бағишланган йилгилиши бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, вилоятнинг иқтисодий-иқтисодий ҳаётида секин-аста бўлса-да, ўсиш суръатлари кўзга ташланмапти. Ялпи ички маҳсулот ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 105 фоизга ўсди. Шунингдек, ўсиш суръатлари саноатда 11 фоизни, истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 8,8 фоизни, қишлоқ хўжалигида 5,7 фоизни, капитал қурилишида 7,5 фоизни ташкил этди.

Ингиллишда имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланилганида, айрим камчилик, хатолар ҳаспўшланмаганида, муваффақиятлар салмоғи янада кўпроқ бўлиши таъкидланди. Чунки, вилоят ҳокими Алишер Отабоев маърузасининг асосий қисми ҳам асосан фойдаланилмаган имкониятлар таҳлилига бағишланди.

Ингиллишда Иқтисодиёт вазирилик ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси Г.Самидова сўзга чиқди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Аёллар репродуктив саломатлигини ривожлантиришга қўмаклашиш» ҳамкорлик лойиҳаси тақдим этилди. Мазкур лойиҳа туғини ёшдаги аёлларнинг саломатлигини мустақамлаштиришга хизмат қилади. Бунинг учун ҳамкорлар 5 миллион евро ажратадиган бўлиши.

Бундан ташқари Ўзбекистонда сил касалликлари қарши кураш учун Германия томонидан ажратилган ерданинг 2,5 миллион евро Фарғона vodiysi вилоятларида олиб бориладиган тиббиёт хизматлари учун сарфланади.

Тўлқин СИДДИК,
«Халқ сўзининг жамоатчи мухбири.

«Маҳалла» ҳисоботи

Матбуотчи, мамлакатимизда 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниди ва бу ҳақда дастур ҳам қабул қилинди.

Табиийки, ушбу дастурнинг ҳаётга тўла таъбиқ этилишида ҳар бир мутасадди ташкилот, илора, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчиликнинг яқин ҳамкорлиги муҳим ўрин тутайди. Кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамағатлари республика бошқаруви раёсатининг кенгайтирилган мажлисида айни шу хусусда гап борди. Унда Қарияларни қарлаш йилида амалга оширилган тадбирлар, ташаббуслар, йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар хусусида сўз юртилди. Ҳу эчимини топмаган айрим муаммолар иштирокчилар муҳокамасига ҳавола этилди.

Шунингдек, «Обод маҳалла йили» дастури ижросини таъкид қилиш ва амалга ошириш йўл-йўриқлари ҳамда жорий йилнинг энг долзарб вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ингиллишда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ҳуломова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Суд-ҳуқуқ ислохотида бағишланди

Маълумки, юртимизда эркин демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда судларнинг мустақиллигини мустақамлаш, одил суловани таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган бу соҳада туб ўзгаришларни юзга келтирди.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг иккинчи қаҳриқ IX сессиясидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқур-

лаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини тақомиллаштиришга йўналтирилган суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш лозимлигини таъкидлаган эди. Кеча Адлия вазирлигида бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлари: бугун ва келажак» мавзусидаги халқаро конференция ҳам ана шу муҳим мавзуга бағишланди.

Мақсуд анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конс-

титутивий суди, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Ҳарбий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ташкилотларнинг вакиллари, етакчи олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конференцияда судьяларни танлаш, тавсия этиш ва тайинлашда демократик асосларнинг кучайтирилиши, ҳуқуқнинг муҳофазаси қилиниши илорақ ҳокимиятининг ҳуқуқий оғини, тафаккури, жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни

қўллашдаги дунёқарашининг ўзгарилишини зарурлиги уқтирилди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида судларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш масаласи муҳимлигига эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, қизгин баҳо-мунозараларга бой бўлган ушбу анжуманда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга доир қўлаб тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конференцияда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

Самарқанд гулга бурканади

Самарқанд шаҳридаги Сиб тўқма фаоллари Наврўз байрамига қадар ҳар бир фуқаро ўн туздан дарахт ва гул кўчати ўқатишни ташаббус билан чиқди. Вилоят ҳокимлиги бу ташаббусни кенг оммалаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳокимликнинг яна бир хайрли иши Наврўз муносабати билан «Энг кўркам маҳалла», «Энг кўркам урфа маҳалла», «Энг кўркам урфа маҳалла» ва «Энг кўркам соғлиқни сақлаш муассасаси» қуриб-танловларини ташкил этиши бўлди.

А.САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Алло, Сизни Давлат мулки қўмитаси раиси эшилтади!

Ҳурматли газетхонлар!

• Хусусийлаштирилган корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш учун нима-лар талаб қилинади?
• Акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарда бошқарув ишида акция эгасининг ўрни қандай бўлиши керак?
• Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга оид қонунлар ҳамма жойда исчи татбиқ этиляптими? Агар қонун бузилиши ҳоллари бўлса, бу ҳақда хабар қилинг.

Хуллас, шу каби саволларга аниқлик киритмоқчи бўлсангиз шу йил 25 февраль куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Маҳмуджон АСКАРОВ билан 139-21-01 ва 139-21-02 телефонлари орқали тўғридан-тўғри гаплашиш имконига эга бўласиз.

Агар саволларни олдидан бермоқчи бўлсангиз, (8-371) 132-10-65, 133-57-98, 133-48-04 телефонлари ёки (8-371) 136-37-85 факси орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Интернетдаги манзилимиз: E-mail: xalksuzi@uzpak.uz.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аввалги қонунда ер қаъри участкаларини, улардан фойдаланиш тури ва фойдаланувчиларнинг тоифаларига қараб (яъни чет эл юридик ва жисмоний шахслари, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, юридик шахс ташкил этмаган жисмоний шахслар эканлигига қараб) фойдаланишга бериш тартиби йўқ эди. Шунингдек, фойдали

муддатли кафолатлар олаётганлиги, давлат билан инвесторнинг ер қаъридан фойдаланишда юзага келадиган мулквий ҳуқуқи аниқ белгилаб берилгани билан фарқ қилади. Шунингдек, янги Қонунда инвесторнинг ҳуқуқлари анъанави кенгайтирилгани, давлат билан инвестор ўртасидаги муносабатларда жаҳон амалиётига кенг жорий этилган мезонлар ва андозалар қўлланилгани билан ҳам тубдан фарқ қилади.

мамлакат минерал хомашё базисини ривожлантириш каби муҳим давлат дастурларини ишлаб чиқишда асос бўлади. Айтиш жоизки, Қонуннинг меъёридан жуда синчковлик билан қайта ишлаб чиқилди. Натيجадан 52 моддадан 28 тасига жиддий ва тахририй ўзгаришлар қилинди, учта янги модда киритилди, бешта модда эса чиқариб ташланди. Умуман олганда, янги қонунда ер қаъридан оқилона, комплекс

нормани назарда тутган бўлиб, шу орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 84-моддасининг ер қаърини қўчмас мулк объект сифатида рўйхатдан ўтказиш асосида фойдаланишни тартибга солуви талаблари ҳисобга олинган. Ер қаърини фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилдорлардан фойдаланиш учун техник-иқтисодий асослаш орқали аниқланган муддат-

ришга ваколатли органлар белгиланди. "Қон ажратмаси" ҳуқуқий мақоми биринчи марта белгилаб қўйилмоқда, қон ажратмаси берилмаган ер қаъридан фойдаланиш турлари аниқланди. Ишлатилган қоннинг қўшимча санат аҳамияти аниқланган тақдирда, фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиядаги шартларни ўзгариштириш имконини берадиган янги модда киритилди. Фойдали қазилмалар конларини комплекс ўзлаштириш мақсадида ҳам асосий, ҳам қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларнинг, шунингдек, асосий фойдали қазилма таркибига қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг захираларини тасдиқлаш зарурлиги тўғрисидаги талаб жорий этилди. Ишлатилган қонлар ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиладиган ер ости участкалари бўйича геологик материалларни давлат экспертизасидан ўтказиш зарурлигини белгилувчи нормалар биринчи марта киритилди. Бу чиқиндиларни сақлаш ва қўйиш учун фойдаланишга берилмаган ер ости участкалари бўйича, айниқса, муҳимдир.

Синовдан ўтган технология

Диққат, янгилик!



Пахтачилик соҳасида Андижон технологияси, мана, бир неча йилдирки, ўз афзаллигини яққол намойён этиб келмоқда. Эртанги ва сифатли ҳосил етиштиришда вилоятда катта мактаб яратилди. Андижонликларнинг мислсиз муваффақиятларини, ифодали таърифлаганда, рақибларидан бир неча босқич илгарилар кетган спортчининг рекордида таққослаш мумкин. Бутун мамлакат ҳар йили шундай олға кетишига гувоҳ бўлмоқда. Пахтакор учун ноқулай келган 2002 йилда ҳам шундай бўлди: Андижон вилоти йиллик топиригини 100 фоиз адо этганда, авваллари андижонликлар билан ҳамқадам юрадиган айрим ҳудудларда топирилган ҳосил нолга тенг эди.

Бундай ютуқлар сири ҳақида гап кетганда, кўпчилик чигитни плёнка остига экиш технологиясини кўз олдида келтирди. Бу — тўғри, албатта. Лекин андижонликлар фақат бир ҳолатда янгиликни жорий этишса, яъни изланишда тўхтаб қолса, бунчалик катта ютуқларга эришиболмасди. Биз ушбу мақолада Андижон далаларида кейинги уч йил давомида синовдан ўтган, жорий йилда яна кенг қўлдан қаратилган технология хусусида сўз юритмоқчимиз.

Стимуляторли қобикланган чигит тайёрлаш тизими (линия)даги ақсарият ишлаш механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган бўлиб, ишчиларнинг меҳнат шартлари экологик жиҳатдан анъанави соғломлаштирилган. Технологиянинг катта афзалликлари билан яна бири шундан иборатки, қобиклаш учун чигитни туксизлантириш шарт эмас, яъни туқли чигит қобикланади. Демак, чигитни туксизлантириш учун керак бўлган катта ускуналар ва харажатларга ҳоҳат йўқ.

Агар чигитни туксизлантириш кимевий усул билан, яъни кислот таъмирда олиб борилган тақдирда ҳам, бу усул ускуналар ва катта маблағ талаб қилади, бу жараёнда ҳосил бўладиган кислотани чикиндилар атроф-муҳитни ифлослантириб, қўшимча жиддий экологик муаммо туғдиради.

Стимуляторли қобикланган чигит тайёрлаш технологияси кўп сарф-харажат талаб қилмайди. Чигитни қобиклашда маҳаллий хомашё ишлатилади: биокимё заводларида гидролиз жараёнида ҳосил бўладиган чикинди — лигниннинг аммиак суви билан ишлов берилган тўпони ва органик ёпиштирувчи қоришма ишлатилади.

Стимуляторли қобикланган уруғлик чигитнинг афзаллигини ўз таҷрибаларида синовдан ўтказган андижонликлар 2003 йил мавсумида шу усулни янада кенгроқ майдонда қўллашга шайланган турбиллар. Шу мақсадда Андижон вилоти пахта сановати бирлашмаси савй-харақатлари туфайли Жалоққуқ туманидаги Сўфчиқошқоқ ва Пахтаобод пахта тозалаш заводлари қошида чигитни қобиклаш тизимлари яратилди.

Агар андижонликларнинг янгиликка интилиш фазили бўлмаганида бундай натижаларга эришиб бўлмасди, — дейди стимулятор муаллифи, Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институтини етакчи илмий ходими, профессор Тулқин Бобоев. — Ҳужа-обод туманидаги А.Набиев номили ширкат ҳужалигида чигит 5 хил усулда экилди. Сараланиб "Биостимулятор-1" қўшиб қобикланган чигит экилган дала ҳосилдорлиги назорат майдонларидаги нисбатан 7,5 центнер кўп ҳосил берди. Худди шундай натижалар бошқа туманларда ҳам кузатилади.

Ҳа, стимуляторли қобикланган чигит Андижон даладарига қўйилган самаранам бермоқда. Жорий йилда Хоразм вилоятида ҳам ушбу технология синовдан ўтди. Бизнингча, бундай таҷрибани бошқа вилоятларда ҳам қўллаб кўриш, ижобий натижа бергач, кенг тарқатиш ҳақида ўйлаш пайти келди.

Шухрат ЖАББОРОВ.

Технологиянинг афзалликлари фақат уруғлик чигити тегашдан иборат бўлмасдан, балки чигитга ишлов беришда қўлланадиган химикатларнинг миқдори 40-50 фоизга камаяди, яъни уруғ билан ерга тушадиган захарли моддаларнинг миқдори камайдди, сермеҳнат жараён — яғна қилинмайдди; ерга қадалган чигит муҳитнинг ноқулай шартларида чидамлилиги ошиши туфайли қирмайди, бу усулда тайёрланган чигит экилганда устига қўйилган суний қўшимча пўстлоқ туپроқдаги намликни тезда ўзига шимиб олади ва бир текис униб чиқади, ўсимликнинг ривож жаддалашади, иммунитет ва озуқани ўзлаштириш қобилияти ортади, сувга бўлган эҳтиёжи 15-20 фоизга камайдди, ҳосилнинг етилиш даври 7-10 кунга қисқаради, натижада ҳосилдорлик гектар бошига 2,5 центнерга, шўрроқ жойларда эса 7 центнерга қадар ортади.

Шундай қилиб, пахтачиликда стимуляторли қобикланган уруғлик чигитни қўллаш фақат катта иқтисодий самара бериб қолмасдан, ижтимоий қиймати ундан кам бўлмаган экологик афзаллиги ҳам яққол кўриниб турди. ЎзМЭИда чигитни қобиклаш учун автоматлаштирилган тизимнинг таҷриба нусхаси яратилган. Ана шу тизимда тайёрланган стимуля-

Янги қонун — янги имкониятлар

қазилмаларнинг қайси турларини қазиб олишни ер қаъри участкаларини фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар асосида амалга ошириш мумкинлиги ҳам аниқланмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифлари ва тавсияларига мувофиқ мамлакатимизнинг минерал хомашё базиси ҳолатини пишиқ-пухта, аниқ ва ишончли тарзда ҳисобга олиш, унинг ўзлаштирилиш ва такдор ишлаб чиқариш истиқболларини белгилаш мақсадида Қонунга янги 13-модда киритилди. Унда бундай янги ҳужжат — фойдали қазилма конларининг ва фойдали қазилма конлари аниқланиши эҳтимоли бўлган истиқболли ер қаъри участкаларининг Давлат реестрини яратиш ҳамда юритиш зарурлиги белгилаб қўйилган.

Фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилишнинг умумий ҳуқуқий, ташкилий ва экологик асослари, шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қондалари белгиланган бўлиб, бу фуқаролик жамиятини қуриш мақсадидаги таълим беради.

Қонунда ер қаъридан фойдаланиш турлари ва муддатлари, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари аниқ белгилаб берилган.

— Ҳозирда амалга кирган янги таҳрирдаги қўш Қонун 1994 йилда қабул қилинган "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонундан яна қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? — Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонун аввалгисидан кўплаб жиҳатлари билан фарқ қилади. Авваламбор, мазкур Қонун ер қаъридан фойдаланишнинг аниқ стратегик дастури давлат томонидан яратилиши, сармоядор ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари барқарорлиги юзасидан узоқ

Бу реестрдаги маълумотлар мамлакатимиз ер ости бойликлари мониторингини юритиш, минерал хомашёнинг асосий турлари ўзлаштирилишининг узоқ муддатли истиқболлини белгилаш,

Янги таҳрирдаги Қонунга "Асосий тўшунчалар"га оид алоҳида модда киритилди ва унда махсус атамалар тўшунчаларнинг маъноси батафсил очиб берилди. Қонун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш тўғрисидаги

Фойдаланишга бериш тўғрисидаги янги меъёрлар конларни ўзлаштиришга инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашадиган ҳамда фойдали қазилмалар захираларининг тўлиқ ишлатилишини ва техноген минерал ҳосилдорлардан тўлиқ фойдаланилишини таъминлайди.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш оचқ ким ошди савдолари ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг лицензия беришга ваколатли органлар билан тўғридан тўғри музокаралари натижалари бўйича амалга оширилиши ҳақидаги норма биринчи марта назарда тутилди. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия мазмунига қўйилмаган талаблар, шунингдек, лицензияни бе-

Ў.А. МУХИРОВ
Турсунбой БОТМИБЕКОВ
сўхбатлашди.

Раёсан йиғилиши

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашининг раёсан йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг 2002 йилги иш фаолияти ва жорий йилдаги вазифаларига оид масала муҳокама қилинди.

Марказий кенгаш раиси А.Абдуқаҳҳоров бошқарган йиғилишда ўтган вақт давомида ташкилот тизимида кенг ҳалқ оmmasи, хусусан, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини олиб бориш, техник мутахассислар тайёрлаш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг 2002

йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида баён этилган кўрсатмалар асосида тизимда ишларни ташкил этиш зарурлигига эътибор қаратилди, вазифалар белгиланди.

(Ў.А.)

Солиқ хизмати

Олинган тезкор маълумотда Бухоро шаҳар Афросиёб кўчасида жойлашган яширин қолбаса цехида истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлиги ва ими-жимиди «Сирли» мижозларга сотилаётганлиги хабар қилинган эди. Бу хабарнинг қанчалик тўғрилигини текшириш учун вилоят давлат солиқ бошқармаси буйруғи билан дарҳол тезкор гуруҳ тузилиб, ходимлардан Э. Бердиев, Ш. Ҳўжаев ва Э. Холлиев кузатув ишларини бошладилар.

Цех бундан беш ой олдин фаолияти тўхтатилган «Умар-В компания» хусусий фирмасига қарашли кўрмисизгина бинода жойлашган эди. Фирма раҳбари Умар Восиев кўпчиликка отнинг қашқасидек маълум бўлиб, у қийин ишлари учун қамалиб ҳам чиққан эди. Афсуски, кўп ўтмай алдамқалдам ишларга берилди. Қонунбузарликлар давом эттавергач, фирма фаолиятини тўхтатиб қўйишга тўғри келди. Шундан кейин у яширинча қолбаса цехи ташкил этиб, бозорларни истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар билан таъминлай бошлаган экан.

Солиқ хизмати ходимлари эрта тонгда сахарлаб цехга яқинлашганларида харидор Маҳмуд Эргашев машинасига 85 килограмм ярим дулланган қолбасани ортиб, Умарга 96 минг 900 сўмни санаб бераётган эди. Қолбасанинг истеъмолга яроқсизлигини тасдиқловчи сертификат ҳам, кирим-чиқим ҳужжатлари ҳам йўқ эди. Шундан сўнг солиқчилар цех фаолиятини чуқурроқ текширишга киришдилар.

Антисанитария ҳолатидаги цехда қачон ва қандай ҳолатда сўйилганлиги маълум бўлган мол ва чўчқа

гўштлари уюлиб ётарди. Улардан сизилиб чиқётган сел ва қондан атрофга бадбўй ҳид тараларди. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари биринчи кўришдаёқ гўшт ва қийма тўшунчаларни истеъмолга яроқсизлигини, улардан тайёрланган «Саями» қолбасаси таркибиде турли хил касалликлар кўзгатуви таёқчалар ва бошқа хил микроблар бўлиши мумкинлигини тасдиқлашди. Текшириш ўтказилган кунни цехда 1,5 миллион сўмлик 848 килограмм гўшт маҳсулотлари кирим ҳужжатларисиз сақланаётганлиги, 62 минг сўмлик 31 килограмм истеъмолга яроқсиз қолбаса сотувга таят қилиб қўйилганлиги маълум бўлди. Шу орада мол-

нинг қоринлари ва калла-почасини олиб «Дамас» машинаси келиб қолди. Ҳайдовчи қолбасага қўшилидиган бундай «масаллик»ларни яширинча етказиб турар экан. Солиқчилар бу ҳолатни ҳам дарров ҳужжатлаштиришди ва текширув материалларини қонуний қўриш учун тегишли идораларга юборишди.

кўчасидаги биноларнинг бирида яширинча шпаклёвча ишлаб чиқариш цехи ташкил этилганлиги маълум бўлди. Цех Бухоро тумани «Янги турмуш» жамоа ҳужалигидаги Десуат қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Р. Юлиева тегишли эди. Солиқчилар текширув ўтказган кунни 15400 сўмлик 22 килограмм

маҳсулот далилий ашё сифатида олинди, вақтинча сақлаш учун «Алишер» фирмасига топширилди. Тадбиркор ва тижоратчилар орасида олиб борилаётган тўшунчаларга қарамай ҳамон ўзбошимчалик билан яширин цехлар очётган, мамлакатимиз ҳудудига ҳужжатеиз ва рухсатсиз истеъмол молларини ташиб келтираётганларнинг мавжудлигини ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Яқинда Олот тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари Ф. Туронов ва Я. Ҳасанов томонидан тезкор маълумот асосида ўтказилган рейд давомида Олот шаҳар Шодлик кўчасида истиқомат қилувчи Зокир Шароповнинг хонадонига тегишли ҳужжатларисиз чет элларда ишлаб чиқарилган телеви-

зор ва видеомангитафонлар сақланаётганлиги ўз тасдиқини топди. Бу маҳсулотларни унга туркманистонлик гўмаштаси контрабанда йўли орқали етказиб берай ва кейин яширин йўллар орқали бозорга чиқариб экан.

Текширув ўтказилган кунни 300 минг сўмлик магнитофон ва 440 минг сўмлик телевизорлар далилий ашё сифатида олинди. Туман солиқчилари бундан олдинроқ 344 минг сўмлик ҳужжатеиз ва акциз маркасиз «Пайн» сигареталарини қўлга тушириб, «Матдуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 1-дўконга вақтинча сақлаш учун топширган эдилар.

Дуқонда бугунги кунда солиқ хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинган ноқонуний истеъмол товарадларини 10 миллион сўмлик «Пайн» сигареталари, 380 минг сўмлик ёзув-чизув қуроллари, 2,5 миллион сўмлик қалин чой-шабар, Хитойда ишлаб чиқарилган 130 минг сўмлик резина этиклар ва бошқа хил маҳсулотлар сақланмоқда. Улар суд қарорини билан сотувга чиқарилмоқда.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат Солиқ қўмитаси
матбуот хизмати бош
мутахассиси.



Кўчаю хиёбонларга поёндоз янгли ёзилган жонли гилам — гулзорларни кўрганда завқланмайдиган одамни учратиб қийин. Негаки, турфа рангли, бир-биридан чиройли гуллар, манзарали дарахт кўчатлари етказиб берамиз, — дейди шаҳар коммунал хўжалик бошқармасига қарашли кўкаламзорлаштириш комбинати ишчиси Сурайё Набиева.

— Айни пайтда кўча ва хиёбонларга кўчат экиш ишлари бошлаб юборилган. СУРАТДА: Сурайё Набиева гулзорда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Оламни мунаввар айлаган байрам

Викорли чўққилари булутларни ўпган Хонтоғ пойидаги Хонобод шаҳри учун бу гагли Наврўз гоит қадри ва мўтабардир. Қишда ҳам баҳорий гўзаллик, лаптофат касб этган ямғири арчалар, ҳали кўкдам бошланмай туриб куртаклари кўз очган гуллар, паҳмоқ сочи мажнунтоллар барғидаги шаҳар бу йил ўзининг ўттиз йиллигини нишонлайди.

Хонободликлар ва уларнинг ўғил-қизлари кўрса кўз қувонадиган, ҳавас қилса арайилган маҳобатли ва муҳташам ўқув биноларига эта бўлдилар. Хонобод санот касб-хунар коллежи, «Шошлчиник тиббий ёрдэм маркази» шулар жумласидандир. Қўкдам эпкинлари барчани Наврўзодли ҳаширатга ундиди. Шанбалик ўтказилди. Беш мингдан ортиқ хонободликлар шаҳар ҳудудидан ўтган сув йўларини тартибга келтирдилар. Довларакларга шакл бердилар. Хиёбонлар, ташкилот ва муассасаларнинг ҳовлиларини чиқиндилардан тозалادилар. Ноҳира номли кинотеатр, Навоний номли ҳамда Бобур номли маданият ва истироҳат боғларида ободонлаштириш, аттракционларни бўйшага киришилди.

Коллежларо «Қувноқлар ва зукколар» мусобақаси, мактабларда эса «Қувноқлар» беллашувлари режаланштирилган. Шаҳар ҳокимлиги бир қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этди. Голиблар Наврўзда аниқланди ва саврин билан тақдирланди.

Вилоят марказида ўтказилган тантаналарга шаҳар ва туманлардан истеъмолдорли санъаткорларнинг Ватан, она диёр ва фаровон ҳаёт ҳақидаги энг яхши куй ва қўшиқларини тандаллаб олиш мақсадида анъанавий «Наврўз яллеси» танлови ўтказилди. Саралаб олинган куй ва қўшиқлар байрам дастурига киритилди.

Шаҳарликлар ана шу кутлуғ кунга тайёргарликни анча илгари бошлаган эдилар. Наврўздан Наврўзгача ўтган даврда Ходирша, Кампирравот, Теийт маҳалларига «занго-ри олов» кириб келди. Аҳоли муравитини бураши билан шариллаб тушадиган тиник, зилол сувдан баҳраманд бўлди. Турли ўлчамдаги кабел ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Узқожи» Ўзбекистон-Корея, «Ўзбекистон-Россия» қўшма корхоналари қаторига кунига 25 тоннадан зиёд макарон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга бўлган «Узхонбўда» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳам қўшилди.

Наврўз яшириш, янгиликни айёми. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини баҳор шодивонлари бошланганга қадар камиди беш минг тулдан манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга киришилди. Халқимизнинг қадимий байрамга ёшлар алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ироққа қарши уруш хавфи кучайган сари дунё иқтисодчиларини нефтнинг қимматлашиб кетиши эҳтимоли ташвишга солмоқда.

НЕФТЬ БОЗОРИ: ЭҲТИМОЛДАГИ ҚИММАТЧИЛИК

Иқтисодчилар бу гал вазиёт бутунлай бошқача эканига эътибор қаратмоқда.

Шарҳловчи минбари

Ироққа қарши уруш хавфи кучайган сари дунё иқтисодчиларини нефтнинг қимматлашиб кетиши эҳтимоли ташвишга солмоқда.

нархи сўзсиз 35-40 долларга кўтарилади.

Фарб матбуотида таъкидланганидек, Ироқ нефть конларини миналаштириб қўйгани рост бўлиб.

Япониянинг "Космо сэкио" нефть компанияси бошқаруви раиси Кэйитиро Окаэнинг башорати эса хитойлик мутахассисликдан ҳам ташвишлроқ.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Тахминан 30 та савол



БМТнинг Ироқдаги Бош халқаро инспектори, ЮНМОВИК раҳбари Ханс Бликс келгуси, душанба кунини ташкилотнинг маслаҳат кенгашига ҳозиргача жавоб топилмаётган тахминан 30 та саволни келтиришини билдирган.

ВидолашуВ маросими

Покистон пойтахти Исламободда мамлакат шимолида «Фоккег-27» самолётининг кулаши оқибатида ҳалок бўлганлар билан видолашуВ маросими бўлиб ўтди.

АҚШ БМТдан чиқади му?

Америка жамияти АҚШнинг БМТдан чиқишини муҳокама қилмоқда. Шу ҳақда тақлиф Юта штати вакиллар палатасининг кўмиталаридан бирида маъқулланган.



Қор кўчди

Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида қор кўчиши оқибатида 6 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда мамлакат Фавқулодда вазиЯрат вазирилик маълум қилди.

«Бошлиқдан сўраш керак»



Асли комбоджалик, лекин аини пайтда АҚШда яшаётган Фин Суо исми кишига омад кулиб боқди. У «Мегга — миллион» лотереясининг ғолиби бўлиб, 128 миллион доллар ютди.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун

Украинанинг Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши Форс кўрфазига кимё, радиологик ва бактериологик қуроллардан ҳимоя қилиш бўйича баътаъонини юборишга қарор қилди.

Иккинчи тур бўлади


Арманистонда президент сайловларининг иккинчи тури бўлиб ўтади. Унда амалдаги президент Роберт Кочарян (биринчи турда у 49,8 фоиз овоз олган) ва Халқ партияси етакчиси Степан Демирчян (27,7 фоиз овоз) иштирок этишади.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, сизлар учун!

«АГРИХИМ» ПУРКАГИЧЛАРИ БОҒ ВА ПАЙКАЛЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

мана, беш йилдики, ўсимликларни турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

«АГРИХИМ» ЎЗБЕКИСТОН-ИТАЛИЯ ҚўШМА КОРХОНАСИ



шунга ўхшаш пуркагичлар дунёнинг кўпгина мамлакатлари фермерларига манзур бўлган.

Тақдирот

«Балоғат даври» дастури

Юнусобод туманидаги 70-ўрта мактабда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазиЯратликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Procter Camble» компанияси иштирокида Ўзбекистонда «Балоғат даври» соғломлаштириш дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«G'ALLA-ALTEG» ОАЖ

2002 йил натижалари бўйича акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши 2003 йил 27 март кунини соат 14.00да Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уйда ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

- 1. ОАЖ бошқаруви раиси ҳақида. 2. ОАЖнинг 2002 йилги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 2003 йилги вазифалар ҳақида. 3. Йиллик бухгалтерлик балансини тасдиқлаш, фойда ва зарарни тақсимлаш.

Кўзатув кенгаши.

«G'ALLA-ALTEG» ОАЖнинг 2002 йил баланси

Table with 4 columns: №, Кўрсаткичлар номи, Актив, Пассив. It lists various financial indicators and their values for 2002.

Маълумот учун телефонлар: 67-53-10, 68-36-49.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

- 1. Поп туманининг Гурумсар кишлоғидаги иқтисод йўналишидаги касб-хунар коллежини 900/100 ўришли касб-хунар коллежга мослаштириш. 2. Чуст туманининг Олмос кишлоғидаги кишлоқ шифокорлик пункти.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ

Advertisement for TEZINTOM featuring a woman's face and images of various interior and exterior finishes like tiles and wall panels.

Футбол



Хали юртимизда қишининг тафти кўтарилгани йўқ. Шундай бўлса-да, футбол ишқибозлари қизгин мунозараларни бошлаб юборишди.

Бу йил мамлакатимиз олий лигасида Фаргона футболнинг уч вакили иштирок этади. Бу жамоалар мавсумга қандай тайёргарлик кўряпти, таркибларида қандай ўзгаришлар бор? Шу саволлар билан муҳбиримиз «Нефтчи», «Цементчи», «Кўкон-1912» жамоалари бош мураббийларига мурожаат қилди.

КУРАШЛАР ОЛДИДАН

Биринчи навбатда нафақат вилоят, балки мамлакатимиздаги футбол ишқибозларини юртимизнинг энг номдор жамоаси, беш карра Узбекистон чемпиони ва беш карра кумуш медал соҳиби «Нефтчи»даги ахвол қизиқтиради.

«Нефтчи»нинг бош мураббийи Рудольф Разевич, «Шўрчи»дан Алижон Уринов, «Жайхун» жамоасидан эса Умид Тожимовлар иштирок этмоқда.

га собиқ ўйинчиларимиз Игорь Бутов, Умид Уриновлар ҳам қайтиш истагини билдиришган.

Шунингдек, мураббийлар таркибидан ҳам ўзгаришлар бўлди. Ерданчи мураббий сифатида менга Искандар Галилов кўмак берди.

Жамоани олий лигага олиб чиқиш учун бор маҳорат, иқтидорини ишга солган ҳамма ўйинчилар сифатидан қўйиб, биринчи раундга ўтказилган «Цементчи» билан икки бора ўртоқлик учрашуви ўтказдик.

«Нефтчи»нинг бош мураббийи Рудольф Разевич, «Шўрчи»дан Алижон Уринов, «Жайхун» жамоасидан эса Умид Тожимовлар иштирок этмоқда.

Муҳлисани биринчи навбатда жамоадаги ўзгаришлар қизиқтиради. Турли хил сабабларга кўра, М. Курбонов, С. Аҳмедов, Т. Хамидов ва Р. Маталиевлар жамоани тарк этишди.

Жамоани олий лигага олиб чиқиш учун бор маҳорат, иқтидорини ишга солган ҳамма ўйинчилар сифатидан қўйиб, биринчи раундга ўтказилган «Цементчи» билан икки бора ўртоқлик учрашуви ўтказдик.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» муҳбири.

Обод маҳалла - бизнинг маҳалла

Энг бахтли оила

Яқинда Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғида яшовчи Раҳим ота ва Раҳима буви Мансуровларнинг «Олтин ۇйи» бўлиб ўтди.

Мансуровлар оиласи — энг бахтли оила. Раҳимнинг отаси Мансур бобо менга устозлик қилган.

Раҳим ота бу йил 77-баҳорни қаршилайди. Шундай бўлса-да, ҳали тетик, меҳнат қилиб чарчамайди, маҳалланинг барча тадбирларида фаол қатнашади.

Раҳим ота бу йил 77-баҳорни қаршилайди. Шундай бўлса-да, ҳали тетик, меҳнат қилиб чарчамайди, маҳалланинг барча тадбирларида фаол қатнашади.

бузи билан 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинишидан гоят хурсанд бўлдим, — дейди Раҳим Мансуров.

Отанинг сўзи билан иши бир эмасми, маҳаллани ободлаштириш ва кўчалар-зорлаштириш мақсадида кўча четлари, ариқ бўйларига терак ва мевали дарахт қўчатлари экишга бел боғлади.

Раҳим ота бу йил 77-баҳорни қаршилайди. Шундай бўлса-да, ҳали тетик, меҳнат қилиб чарчамайди, маҳалланинг барча тадбирларида фаол қатнашади.

Эргаш ТОШМУРОДОВ, журналист.



Тажриба алмашиш учун Исроилга

Сиз суратда кўриб турган бу гулгунчехра аёллар андихонлик қўли енгил ҳамширалардир. Улар вилоят мекдасида ташкил этилган қишлоқ-врачлик пунктлари ҳамширалари ўртасида ташкил этилган қўриқ-танловда голиб чиқишиб, малака ошириш ва тажриба алмашиш учун Исроил давлатига йўлланма олдилар.

СУРАТДА: Гулнора Йўлдошева, Барнош Отабоева, Мўстабар Зўрхужаева ва Шодихон Солева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Икки кўлим банд бўлса, нетай...

Собиқ Иттифоқ даврида Қорақалпоғистоннинг уша чоғдаги раҳбари мажлислардан бирида вазирилик ҳамда идораларнинг раҳбарлигига одоб-иқром тўғрисида шундай дебди:

Бизнинг бир қанча вазириларики ўзларининг юқори лавозимдаги раҳбарлари билан қай йўсинда гаплашишни билишмайди. Кеча Иттифоқ матбуот жамиятининг раиси кўнгирок қилиб Ойназар Қуназаров деган одамнинг зиннинг эшитганимни оёғи билан очиб қираётган одат чиқарди, деб қаттиқ хафа бўлди.

Уялишта-ку, уяламан. Бироқ икки кўлим совға билан банд бўлса, нетай...

Муротбой НИЗАНОВ ОРОЛБЎЙИ ҲАНГОМАЛАРИ

Қачон уйга эрта қайтасиз?!

Ойназар ота матбуот жамияти раиси, вазири, Вазирилари Кенгаши Раисининг ўринбосари, қайси лавозимда ишлаганим, мажлису машваратдан қўли бўшамас, ҳар кун уйга кеч қайтиб келар экан. Ҳар гал Ҳайитгул опа:

Қачон уйга эрта қайтасиз? — деб савол бераман. Бир кун хонадоннинг кўнгироти тоғти соат олтида устима-уст жананга бўлди.

Янги эшикни очса оғзи оғзи қулонида қулиб турган эмиш.

Тонг-сахарда нима қилиб юрбисиз, оғаси?! — Бир марта сенинг айтганинг ҳам бўлсин деб уйга эрта қайтдим...

Қорақалпоқчоҳдан Янгибўй КЎЧҚОРОВ таржимаси.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), И. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, О. ҚАМПИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Манаоват ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 169, 35313 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термиди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — Ҳ. КАРИМОВ. Набатчи — М. ЖУНИХОНОВ. Муҳасших — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. 1 — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.30 1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

республиканинг турли ҳудудларида мавжуд ишлаб чиқариш объектларини сотиб олишга доир тендерда қатнашиш учун салоҳиятли инвесторларни тақлиф этади

Table with 3 columns: Лойиҳа мақсади, Лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми, Машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи. Rows include projects like 'Андижон вилояти', 'Кашкадарё вилояти', 'Навоий вилояти', etc.

Аризаларни қабул қилиш манзили: 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 101-уй. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармаси. Телефонлар: 137-62-75, 137-63-48. www.nbu.com

Ташкилот ва корхоналар диктатига! Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Корхона ва ташкилотлар диктатига! «Ўздавархитектқурилиш» кўмитасига қарашли пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бошқармасининг СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Корхона ва ташкилотлар диктатига! Сайхунобод тумани «Бўстон» ширкат ҳўжалигида 192 ўринли мактаб қурилиши.

Корхона ва ташкилотлар диктатига! «Ўздавархитектқурилиш» кўмитасига қарашли пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бошқармасининг СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Корхона ва ташкилотлар диктатига! Тендер ҳўжатларининг бир тўлаими нархи — 50000 сўм.

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг 2003 йил 13 январдаги навбатдан ташқари умумий мажлиси қарорига мувофиқ «ОТЧОПАР BUYUM BOZORI» ochiq aksiyadorlik jamiyatining nomi «CHILONZOR BUYUM BOZORI» ochiq aksiyadorlik jamiyati

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси аппарати жамоаси котибинг мудири Ибодулло Жонтуруевнинг Қалибековга отаси Жоитўра ҚАЛИБЕКОВнинг вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади.